
ОБОД КЎЧАСИ ТЕРМА ЖАМОАСИГА ТУМАН ҲОКИМИ КУБОГИ ТОПШИРИЛДИ.

Данғара тумани туризм ва спорт бўлими томонидан 1-секторда жойлашган Таптиқсарой МФЙ ҳудудида ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтишини ташкил этиш ҳамда оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида спортнинг футбол туридан “ТУМАН ҲОКИМИ” кубоги мусобақасининг ярим финал ва финал босқичлари ўтказилди.

Футбол мусобақасида 1-сектор раҳбари туман ҳокими Шухратжон Тожиҳақимов Нурмуҳаммадович ҳамда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Ровшанбек Бегматовлар иштирок этиб, мусобақа иштирокчиларига омадлар тилаб ўтишди.

Мусобақада ҳудуддаги Обод, Анхор, Истиқбол, Юксалиш, Пахтабод, Катта қўрғонча, Кичик қўрғонча, кўчалари ҳамда Таптиқсарой ёшлари терма жамоалари ўзаро майдонда берлашдилар.

Мурасасиз ўтган ўйинларда финалда Обод ҳамда Пахтабод кўчалари терма жамоалари учрашиб ўйинда 2:1 ҳисобда Обод кўчаси терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди ҳамда туман ҳокими кубоги топширилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2022-01-29 18:08:36